



## ПРЕСС-РЕЛИЗ



### **“Гидрометеорология соҳасида охириги йилларда қилинган ўзгаришлар, янгиликлар, иқлим ўзгариши муаммолари, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик” мавзусида матбуот анжумани**

Жамиятнинг замонавий ривожланиши босқичида ҳаётимизни жуда муҳим ишни бажарувчи гидрометеорология хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки нафақат иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, авиация каби кўплаб тармоқларининг фаолияти, балки умуман олганда давлат хавфсизлиги унинг фаолиятига боғлиқ.

Ўзгидромет илмий-техник салоҳиятини ошириш, турли об-ҳаво ҳодисаларини прогнозлаш ва аҳолини ўз вақтида хабардор этиш ишларини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Гидрометеорология хизмати марказининг фаолияти инсон ҳаёти ва мулкани ҳимоя қилиш, атроф муҳитни мониторинги ва муҳофаза қилиш, барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, мамлакатимиз фуқаролари ҳаётининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган мамлакат иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлаш билан узвий боғлиқ. Шу муносабат билан Ўзгидромет Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларациясида баён этилган Тараққиёт мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг доимий эътиборлари туфайли миллий гидрометеорология хизмати фаолияти такомиллаштирилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарорини қабул қилиниши бунинг яққол мисоли. Қарорга мувофиқ Ўзгидромет янги мақомга эга бўлиб, ўз фаолиятини кенгайтирди. Ҳозирги вақтда Ўзгидромет метеорология, агрометеорология, гидрология ҳамда атроф-табiiй муҳит ифлосланиши мониторинги йўналишларида хизмат кўрсатмоқда, иқлимий маълумотлар билан таъминлаб, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар мониторингини олиб бормоқда.

**- Соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар:** “Метеоинфоком” ДМ ходимлар сони **219 нафардан 53 нафарга** оптималлаштирилди, **давлат улушини камайтириш** мақсадида **2022 йилдан** бошлаб хўжалик ҳисобига ўтказиш белгиланди.

#### **Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича:**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети базасида **Россия давлат гидрометеорология университети** билан ҳамкорликда янги гидрометеорология факультети 2021-2022 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлайди.

Тошкент гидрометеорология техникумида ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш орқали 2021-2022 ўқув йилида **240 нафар** талабаларни қабул қилиш учун квоталар ажратилди (ўтган йили **140 нафар**). Шунингдек, кўшни **Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан** талабалар техникумда бугунги кунда таълим олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

**“Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”** 2021 йил 10 апрелда 200-сон;

**“Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузурида “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2021 йил 8 майда 289-сон;

**“Гидрометеорологик хизмат аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”** 2021 йил 9 июнда 356-сон;

**“Гидрометеорология ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги соҳасида ихтисослаштирилган хизматлар кўрсатиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”** 2021 йил 9 августда 501-сон қарорлари қабул қилинди.

**- Гидрометеорология кузатув тармоғини кенгайтириш, ИТ-технологиялари ва телекоммуникацияларини кенг жорий этиш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилган ишлар.**

Метеорология станциялар сони **70** тадан **75** тага (**107 %**), қор кўчки станциялари **3** тадан **5** тага (**160 %**) ортди, автоматлаштирилган метеорологик станциялар улуши **14** фоиздан **70** фоизга етказилди. Натижада турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозлари ишончлилиги, суткалик **88** фоиздан **92** фоизга, 2-3 суткалик **85** фоиздан **90** фоизга, 4-5 суткалик **83** фоиздан **88** фоизга, шторм огоҳлантиришлар оқланиш даражаси **85** фоиздан **90** фоизга етказилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда **50** та автоматик метеостанциялар, **1** та мобил экологик лаборатория ва об-ҳаво прогнозларини рақамли моделлаштириш учун **1** дона суперкомпьютер ускунаси, шунингдек, “Замин” халқаро жамоат фонди ҳисобидан **2** та автоматлашган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги станциялари ўрнатилди (қарорда белгиланган кўрсаткичлар **100 %** бажарилди, натижада мавжуд **14** та автоматик метеостанциялар сони **5** бараварга кўпайди).

Соҳада ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш асосида автоматик метеостанциялар кузатув тармоқларидан маълумотлар марказга **10** дақиқа вақт оралиғида мунтазам равишда **GSM/спутник** орқали узатиб борилиши таъминланди.

**Аҳоли яшаш пунктларда ҳаво сифатини** мониторинг қилиш ҳамда **гидрометеорологик** маълумотларни визуаллаштириш бўйича **янги “monitoring.meteo.uz” геопортал яратилди**, шунингдек **мобиль иловаси** ишга туширилди.

**MODIS** ускунаси модернизация қилинди натижада кунига **4 марта** республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида қор қоплами баландлигини ўлчаш орқали сув миқдори ҳисобини юритиш ва **қишлоқ хўжалиги экинларининг** вегетация **индекси зичлигини аниқлашга** эришилди.

Гидрометеорология фаолиятида **сунъий йўлдош** ва ерни масофадан зондаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишнинг ягона **телекоммуникация** тармоғини яратиш бўйича **дастур тасдиқланди**.

**- Соҳани молиялаштириш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.**

**2021 йил 1 январдан** соҳа ходимларининг ойлик иш ҳақлари икки бараварга оширилди ва узоқ муддат хизмати учун ойлик устама ҳақ тўланиши таъминланди (соҳада ўртача ойлик иш ҳақи **3 – 3,5 млн сўм**, аввал **1 – 1,5 млн сўм** бўлган).

Соҳада жами харажатлар учун 2018 йилда – **30 млрд сўм**, 2019 йилда – **41,2 млрд сўм**, 2020 йилда – **54,5 млрд сўм** ажратилган бўлса, жорий йилда **3 бараварга** оширилиб, **128,2 млрд сўмни** ташкил этди (шундан, ходимларнинг иш ҳақи ва жорий харажатлар учун – **100 млрд сўм**).

Ўзгидрометнинг ихтисослашган гидрометеорологик хизматлари учун хўжалик шартномалари бўйича тушумлари 2019 йилда жами **3,98 млрд сўм**, 2020 йилда **2,68 млрд сўм** ва 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса жами **1,95 млрд сўмга** тенг бўлди.

#### **- Халқаро ҳамкорлик, халқаро молия институтлари билан ишлаш.**

Жорий йилда гидрометеорология соҳасида халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш йўналишида мутахассислар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли Конвенцияси ва Париж битими доирасидаги республика мажбуриятларини бажарилиши ҳамда Жаҳон метрология ташкилоти томонидан ўтказилган онлайн конференцияларда иштирок этилди.

Шунингдек, гидрометеорология соҳасини ривожлантириш, метеостанцияларни модернизациялаш ҳамда автоматлаштиришга сармояларни жалб этиш юзасидан Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Болгария, Германия, Япония, Туркия давлатлари ҳамда Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва ривожланиш банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар амалга оширилди.

2021 йил март ойида Яшил иқлим жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати **9,8 млн АҚШ доллари** бўлган “Ўзбекистон жамоаларининг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарларга мойиллигини ошириш учун эрта огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш” грант лойиҳаси имзоланди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган **“Gold Fresh fruits” МЧЖ, “Silverieafe” МЧЖ ҚК, “Indorama Agro” МЧЖ ХК** билан тузилган шартномаларга мувофиқ, ушбу корхоналарга доимий равишда гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисидаги об-ҳаво прогнозларини **қунлик ва ҳафталик шаклда етказиб берилмоқда**. Натижада, ушбу корхоналар томонидан агротехнологик тадбирлар **метеорологик маълумотлар ва тавсиялар** асосида амалга оширилиб, қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдорлигини ортишига ва йўқотишларни олди олинмоқда. **Масалан:** “Gold Fresh fruits” МЧЖ агрокластери томонидан Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ташкил этилган – **1,5 минг гектар** майдондаги боғ ҳосилдорлиги **25-30 %** га (ўз вақтида берилган метеорологик маълумотлар ҳисобига баҳорда боғни совуқ уришини олди олинди) ён атрофдаги боғларга нисбатан ортган. “Silverieafe” МЧЖ ҚК томонидан **2,0 минг гектарга** экилган ғўза навларидан кўрилган фойда **20-25 %** га ортишига эришилди.

Иқтисодиёт тармоқларига глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишга йўналтирилган Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти томонидан умумий қиймати **19,5 млрд сўм** бўлган жами **15 та** лойиҳалар ишлаб чиқилиб, молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига жорий йилда тақдим этилган.

Бугунги кунда **15 та** лойиҳадан умумий суммаси **2,4 млрд сўм** бўлган **3 та** лойиҳага молиялаштирилган, **6 та**си танловга жойлаштирилган.